

O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
PULITOTKALASASI
№

Юртинг — олтин бешигинг

ТОНТЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган

№19 (65846)
1995 йил, 30 май, сешанба

Сотувда
эркин нархда

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунин

БИЗ ТИНЧЛИКДА ЯШАЙМИЗ

Болажоним, шўхлигинг,
Соғломлигинг — тинчликдир.
Усти буту тўқлигинг,
Полвонлигинг — тинчликдир.

Бувижонни қаритмай,
Ёшартирар дам — Тинчлик.
Билсанг, иби Ҳаттобдек
Сеҳрли одам — Тинчлик.

Кўлидан яхшиликлар,
Янгиликлар тез келар.
Ушиб эзгу туйғулар,
Улғаяр ҳур сезгилар.

Дунёдаги яхшилар
Урушга чоҳ қазирлар.
Гулларга, дарахтларга
Тинчлик сўзин ёзарлар.

Гул бўлиб, дарахт бўлиб
Усиб боради Тинчлик.
Уруш — ўлимнинг йўли
Тўсиб боради Тинчлик.



Тинчлик ака-уканинг
Иттифоқи демакдир.
Кўни-кўшни бир-бирин
Ташвишини емакдир.

Ота-она, дўст-ёрга
Иттифотда бўлмоқдир.
Ўзбек, қozoқ... туркий эл,
Иттифоқда бўлмоқдир.

Сеники, меники деб
Бўласак бутун дунёни.
Бўлшади Еримиз,
Бўлиб бўлмас ҳавони.

Ахир ҳаво бўлмаса,
Айтинг, қандай яшаймиз?
Бизлар — дўстмиз,
Ошнамиз,
Биз тинчликда яшаймиз!
Биз тинчликка ташнамиз!

У. Абдуазимова.



БИР ҲАФТА АНГИПЛИКЛАРИ

Ўтган ҳафтада Покистон Бош вазири Беназир Бхутто хонимнинг мамлакатимизга ташрифи давомида икки давлат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга оид бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Қозоғистонда ўтган Ўзбекистон Республикаси кунлари катта байрамга айланиб кетганини хабар қилган эдик. Икки халқ қардошлигини намоён қилган бу тантаналар Алмати шаҳрида шодиёналик билан якунланди.

Юртбошимиз Ислоҳ Каримов Мустақил ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг навбатдаги учрашувида қатнашиш учун Минск шаҳрига бориб келди. Бу учрашувда 20 га яқин масала кўриб чиқилди. Тожикистондаги воқеаларга алоҳида аҳамият берилди.

Вазирлар Маҳкамаси Ислоҳ таълимоти ва фалсафасини кенг ўрганиш, ўзбек халқининг диний, тарихий ва маданий меросини чуқур илмий тадқиқ этиш мақсадида Тошкент шаҳрида Халқаро ислоҳ тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Зарафшон водийсида, Қизилкум чўлида яна бир тарихий воқеа юз берди. Бу ерда Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ҳамкорлик самараси бўлган «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси ишга тушди. Суткасига 24 соат ишлайдиган бу корхона кўнига кўп тонналаб тоғ жинсларини қайта ишлаб, сифатли олтин ва қумуш ажратилади.

Республика мактабларида ўтган ҳафта бошланган битирув ва синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари қизгин давом этмоқда. Ёзги таътил кунлари яқинлашиб, ўқувчиларни мазмунли дам олишга чорламоқда.

Мана, мактаб ўқувчилари ортиқ кутган кунлар ҳам етиб келди. 1994 — 1995 ўқув йили тамом бўлди. Бир йил давомида олинган билимларга яқун ясайдиган имтиҳонлар бошланиб кетди. Бизнинг Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги Зебунисо номли мактабимиз жамоаси ҳам бу кунга пухта тайёргарлик курди.

Бутун турт чорақ давомида ўқитувчилар имтиҳон буладиган фанлар бўйича ўқувчилар билан мунтазам консултациялар утказиб келишди. Имтиҳонлар-

га бағишлаб стендлар чиқарилди, Ўзбекистон Халқ таълими вазириликнинг имтиҳонлар тўғрисидаги курсатмалари педагогика жамоаси ва ўқувчилар ур-

синфда имтиҳон утди. 5-синфлар она тилидан, 6-синфлар рус тилидан, 7-синфлар физикадан, 8-синфлар она тилидан имтиҳон топширишди. Уларнинг ҳам-

нчилидир. Айниқса, Дилноза Салимова, Муножот Файзиева ва Лобар Саидматоваларнинг иши беҳатолиги ва тоза ёзилгани билан ажралиб турди. Энди ўқитувчи Дилбар Ақромова шу синфда зоологиядан имтиҳон олади.

Умуман олганда мактабимиздаги 34 синфда ўқитган 914 ўқувчининг ҳаммаси биринчи имтиҳонлардан деярли муваффақиятли утганини қувонч билан таъкидласа бўлади.

Маҳаматрахим ТОЖИБОЕВ,
мактаб илмий бўлим мудири.

БИРИНЧИ ИМТИХОН

тасида ишлаб чиқилди. Бу эса, имтиҳонларга тайёргарликнинг муҳим босқичи бўлди.

27 май кунини синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари бошланди. Шу кунини биринчи сменада унта, иккинчи сменада олтинта-

маси муваффақиятли утди.

Масалан, Наргиза Шарафутдинова дарс берадиган 8-«Б» синфда болалар «Аввал уйлаш керак» деган мавзуда диктант ёзишди. 28 ўқувчининг барчаси саводли диктант ёзишгани қуво-

Куш бутпоққа сизгина,



Фусункор табиат, сеҳргар, жилвагар табиат! Кечагина бутун борлиқ оппоқ харир либосга бурканиб мудрок уйкуда ётган бўлса, бугун зумрад тусда жилоланиб, анвойи ифор таратиб, кўзларни, дилларни кувнатяпти. Ҳадемай лайлақлар «қоғоз» қанотларида ёзни олиб келишади. Сиз болажонларнинг севган фаслингиз, кувнок ёзингиз. Имтихонлардан, синовлардан муваффақиятли ўтиб ёзги таътилга чиқасизлар. Бўш вақтингиз ҳам сероб бўлади. Бундай пайтларда кўпроқ она табиат кучоғига талпининг. Унинг бетакрор хусну таровватидан завқланинг. Жонзотлару ўсимликлар оламини, паррандаю даррандаларни, қисқаси, борлиқни, кузатинг. Табиатнинг ўзига хос қонун-қоидалари, сиру синоатлари билан ошно тутининг. Шунда-

гина она табиатга, жониворларга нисбатан меҳр булоғингиз жўшади.

«Сиз мендан» гоёларинг қаёқдан келиб чиқади», деб сўрасиз? Мен уларни табиат бағридан шундоққина юлқиб оламан. Дала-даштларни, ўрмонларни кезарканман, беҳад гоёлар оғушида бўламан. Тонг саҳарда эса туйғулар тугёни қалбимда янгроқ овоз бўлиб жўшаверади, токи куй, нота бўлиб кўз ўнгимда гавдаланмагунча!» деб ёзган эди Л. Бетховен. Шояд, табиат гўзалликларидан завқланиб, сиз ҳам истеъдодингизнинг очилмаган янги-янги қирраларини кашф этсангиз. Кўлингизга қалам тутиб, ижод қилсангиз. Кузатишларингиз, қизиқарли ҳикоя ва хат-хабарларингизни «Нилуфар» клуби билан ўртоқлашишни унутманг.

Мактубларингизни кутиб қоламиз!

Сўраган эдингиз

Хонаки гуллар ўстиришни яхши кўраман. Лекин уларни парвариш қилишни яхши билмайман. Бир неча бор ўстирган гулларим нимагадир қуриб қолди. Хонаки гулларни қандай парваришlash ҳақида маслаҳатлар берсангиз.

Гулфира ОТАЖОНОВА.

Азиз қизалоқларим! Орангизда гулларни севмайдиган, уларни меҳр билан парвариш қилишни хоҳламайдиганлар топилмаса керак. Лекин уларни парваришlashнинг ўзига яраша қоидалари, нозик томонлари бор. Хонаки гулларни парвариш қилишда қийналаётган Гулфира сингари қизларимизга бир неча маслаҳатлар бермоқчиман:

Хонадаги гулларнинг ўрнини тез-тез ўзгартириб туриш тавсия этилмайди. Чунки гуллар ёруғликка қараб ўсади. Гул тувагининг жойини ўзгартириш пайтида улар яна ёруғликка интилиши мобайнида ўсиш жараёнига қаттиқ таъсир қилиб, гуллар яхши ривожланмай қолади.

Агар тувакдаги тупроқ тезда қуриб, ёрилиб кетса, унга ёғоч қипиғи, дарё ва ариқ қумидан аралаштиринг.

Гул тувагига керагидан ортиқ сув қуйманг. Икки-уч соат ичида сувни шимиб олмаса гул туваги тагидаги сувни тўкиб ташланг, бўлмаса ёш томирларни чиритиб юборад.

Фокус гулининг барглари ялтираб, жозибали бўлиб турсин десангиз, унинг томирига бир қошиқ канакунжут мойи қуйинг.

Хонаки гуллар елвизак жойда ва тамаки тутуни бурқисган уйда яхши ўсмаслигини унутманг.

Гуллар яхши нафас олсин десангиз, гул барглариининг чангини тез-тез артиб туринг.

Хонаки гуллар иситиш воситаларидан узоқроқ жойда бўлиши керак.

М. САИДБОВА.

Гулнора опа Адамбекова узоқ йиллардан буён Топкент шаҳридаги 216-мактабнинг бошланғич синф уқувчиларига таълим-тарбия бериб келадилар. Шундан булса керак, болалик олами опага жуда яхши таниш.

Илк бор мактабга қадам қўйган кичкинтойларни ҳеч кузатганмисиз? Бироз чучиб, ётсираб, турадилар. Ҳаяжондан ҳатто биланларини ҳам унутиб қўядилар. Гулнора опа эса уларни худди аввалдан таниб-билиб юрган дустларидек, самимий қарши оладилар. Дарҳол савол-жавобга тутмай, бироз суҳбат қурадилар, улар даврасида болага айланадилар тўғи. Гулнора опанинг уз таълим-тарбия услуби бор: дарсларни синф хонасида эмас, кўпроқ табиат қўйнида, соясалқин боғларда утказишга ҳаракат қиладилар. Бундай сайллар биринчи галда болажонларни зериктириб, толиқтириб қўймайди, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлайди, қолаверса, жажжиларнинг мурғак қалбларида жонажон табиатга нисбатан меҳр, уни авайлаб-асраш ҳиссини уйғотади.

Суратда: Табиат қўйнидаги навбатдаги машгулот.

Р.АЛЬБЕКОВ туширган сурат.

лар. Бизнинг ҳолатимизни кўриб, далда бергандек бўлдилар:

—Хафа бўлманлар, бунақаси бўлиб туради. Она тустовуқ болаларини сақлаб қолиш учун, тепасига ўроқ келса ҳам қочмаган. Узини нобуд қилиб булса ҳам болаларини асраб қолибди, дедиларда, белбоғларини ечиб, тухумлар ва поллонларни авайлаб унга жойладилар. —Бу жониворларни хонаки товўқларимиз тухумдан чиқариб, узлари парваришlashади, деганларича уйлари томон йўл олдилар...

Биз эса пичан тўлдирилган қопларимизни орқалаганча маънос уйга қайтдик. Иккимизнинг ҳаёлимиз ҳам оналик меҳри улимдан ҳам устун келган она тустовуқ билан банд эди... Баъзи бир ношукр ва раҳмсиз, уз жигаргўшаларини ташлаб кетадиган қаҳри қаттиқ оналардан шу ёввойи тустовуқнинг меҳри қанчалар устунлиги ҳақида уйлاردик...

Норали Аслон ўгли ОЧИЛОВ,
Бухоро вилояти, Шофиркон тумани.



Ўрмонда бўлганмисиз?

Маймоқни кўрганмисиз?

Пахмоқ юнгидан силаб,

Хайиқмай турганмисиз?



Ёввойи чўчқа номим,

Танидингиз-а, дарҳол?

Бу йил — менинг йилимдир,

Омад сизга бўлсин ёр!




Номим бўрсиқ, юнгим ўсиқ,

Бармоғингда тарабоқ

Кўкамлигим, хуррамлигим,

Шу юнгимдан — қора, оқ!



ЁВВОЙИ ТУСТОВУҚ

Эрталабданоқ апрелнинг сержило қуёш нурлари туманларни тарқатиб, майсаларга кўнган шудринларни яна осмонга қайтарди. Дустим Ақобир иккимиз катта пичанзорнинг қоқ ўртасидаги қоровул Усмон амакининг соябонли сўрисида ўтириб, шовқини кулоқни қоматга келтириб ишлаётган тракторни томоша қилардик. Пичани ўрилган майдоннинг четларида қолиб кетган, трактор ололмаган бедаларни териб олишимиз керак эди.

Қоровулимиз Усмон амаки жуда ажойиб одамда. Пичан сўраб келган болаларнинг бирортасини ҳам қуруқ қайтармайдилар. Лекин, ўғирлик қилганлардан қаттиқ ранжийдилар...

Қуёш юқорига кўтарилган сайин кун қизигандан қизиқ борарди. Дустим иккимизнинг юзларимиз бутриқиб кетганди, сурига бағримизни бериб, бекорчиликдан қўлимиздаги ўроқ учи билан ер

чишиб ётардик. Шу пайт пичан ўраётган тракторнинг шовқини тиниб қолди. Биз беихтиёр томонга қарадик. Нуриддин ака трактордан тушиб, ўрувчи мослама томон эгилганча алланиманидир кузатар эди. Бирдан йўгон қўлларини ҳавода айлантириб: «Болалар, бу ёққа келинглар» дея бақирди. Дустим олдинда, мен кейинроқда юғуриб бордик. Не кўз билан кўрайликки, каттагина кулранг она тустовуқ патлари тузиб, нимталанган танасидан қон оқиб ётар, жон талвасасида тинмай типирчиларди. Сал нарида эса тўрт дона тухум ва эндигина тухумни ёриб чиққан тустовуқ жўжаси тариқдек келадиган кўзларини жавдиратиб турарди. Бу манзарани кўриб Ақобир иккимиз донг қотиб қолдик. Кўзимизда ҳатто ёш ҳам айланиб кетди. Кетимиздан халлослаганича етиб келган Усмон амаки ҳам ачиниш билан бош чайқайди-



одам — ватанга

Туллар байрам

Мақтабимизда турли байрам ва тантаналар тез-тез бўлиб туради. Эҳ, қай бирини ҳам айтмай?! Лекин бу галгиси жуда ажойиб бўлди. Турфа гуллар оламига саёҳат қилиб, гуллар байрамини ўтказдик. Байрамнинг шартлари бир ой аввал эълон қилинган эди. Шунга кўра, энг чиройли гуллар билан безатилган кашта ва сочиқлар, гулли либослар, гуллардан коллекция, гербарий ва моделлар яшаш ҳақидаги энг яхши мусиқий бадиий дастур тайёрлаш кўрик-конкурсига жиддий ҳозирлик кўрдик.

Байрам кунлари мақтабимизни кўрсангиз эди. Ҳамма ёқ ранг-баранг гулларга, анвойи хидларга тўлиб кетди. Кўриб кўзингиз қувнайди. Байрамга йиғилганлар ҳам бир синф ўқувчиларининг мусиқий дастурларини, чиқишларини мароқ билан томоша қилишди, анвойи гулларнинг 100 дан ортиқ турлари билан танишишди. Мақтабимиз кутубхоначиси Э. Абдуллаева энг чиройли гул эгаси совриндори бўлдилар. Байрамдаги фаол иштироклари, ажойиб

гуллари ва гербарийлари билан томошабинлару хакамлар эътиборини қозонган 7 «А»-синф ўқувчилари голиблик шохсупасини эгаллашди. Иккинчи ўрин 5 «А»-синф, учинчи ўрин 3 «А»-синф, тўртинчи ўрин эса 5 «Б» синф ўқувчиларига насиб этди.

Байрам сўнгида мақтабимизнинг мусиқа ўқитувачиси Нурмат ака Пирматов раҳбарлигидаги ўқувчилар ансамбли ижросидаги «Олам гулга тўладир» деб номланган мусиқий дастурни тинглаб, томоша қилдик. Қимматбахо совғалар ҳам ўз муносиб эгаларини топди.

Гуллар байрамидан бир олам таассурот, завқ шавқ билан қайтдик. Истардик, бундай байрамлар бошқа мактабларда ҳам тез-тез ўтказиб турилса.

Гули НАРЗИКУЛОВА,
Самарқанд вилояти, Жомбой тумани,
Ўзбекистон жамоа хўжалиги, 21-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.



Баҳор, ёз ойларида тоғлар, тоғ ён бағирлари яшилликка бурканади, гузал, хушманзара бўлиб ажиб бир таровват касб этади. Бундай пайтларда табиат қўйнида мириқиб дам олишга, мусаффо тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олишга не етсин!

Яқинда мақтабимизда узок йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган «Ёш улкашунослар» тугараги аъзолари Бустонлик туманининг хушманзара жойларидан бири, Сойлик қишлоғига саёҳатга чиқдилар. Уларни Улугбек номидаги 11-мактаб ўқувчилари илиқ қарши олдилар. Бу икки мактаб орасидаги дўстлик алоқалари узок йиллардан буён давом этиб келарди. Шундан булса керак, уларнинг бир-бирларига айтар гаплари кўп. Мезбонлар Сойлик қишлоғининг номи, тарихи усимлик ва ҳайвонот олами, табиати тўғрисида қизи

СОЙЛИККА САЁҲАТ

қарли ҳикоялар сузлаб беришди. Ўз навбатида Байтқургон қишлоғи тарихига оид жуда кўплаб янгиликлардан ҳам хабардор бўлишди. Мароқли суҳбатлар куй-қушиққа уланиб кетди.

Шундан сўнг ҳар икки мактаб ёш улкашунослари Қорақия сойи бўйлаб қорақия тоғи томон саёҳатга чиқдилар. Табиат гузалликларига ошно бўлиб, биллурдек жимирлаб оқаётган булоқ сувларидан симириб, мириқиб хордиқ чиқардилар. Устозларининг она табиат хусусидаги, уни авайлаб-асраш лозимлиги, шундагина у ҳам биздан ўз неъматларини аямаслиги ҳақидаги ҳикояларини мароқ билан тингладилар. Олам-олам таассурот, завқ-шавқ билаң уйларига қайтдилар.

Хайрулла ИНОҒОМОВ,
Тошкент вилояти, Қиррай туманидаги 16-мактаб ўқитувчиси.

КЎНГИЛСИЗ ВОҚЕА

Тўғриси айтсам, авваллари мушукларни унчалик ёқтирмас эдим. Бир воқеа сабаб бўлди-ю уларга меҳрим тушиб қолди. Қандай воқеа дейсизми? Келинг, яхшиси бир бошдан гапириб бера қолай.

Март ойларининг бошлари эди. Дарслар тугаб, уйга қайтаётгандим. Шу пайт олдимдан каттагина бир мушук утиб қолди. Оғзида алланима тишлаб олганди. Мушук орқа-олдига аланглаганча каттакон асфальт йулдан утиб борарди. Мендан бир неча чақирим нарида бир енгил автомашина елдек учиб келар, машина хайдовчиси эса рулни доира қилиб чалганича, алланималарни хиргойи қилиб келарди.

У бепарвогина она мушукни босиб кетди. Тухташ у ёқда турсин, ортига қайрилиб ҳам қарамади. Кутилмаган зарбадан мушук бечора йул ёқасига отилиб кетди ва қимирламай ётиб қолди. Мен дарҳол унинг ёнига югурдим. Му-

шук бўлса мендан ҳуркиб, лат еган оёғини осилтирганча ўзини қувур ичига олди. Хайратланарли жойи шунда эдики, мушук ярадор бўлса ҳам оғзидаги улжасини ташламасди. Бунинг сабабини мен кейинроқ англадим. Қувур ичкарасида мушукнинг ҳали қўзлари очилмаган 3та боласи бор экан. Она мушук судралганича улар ёнига бориб оғзидаги нарсани болалари ёнига қўйди. Портфелимни бир четга қўйиб, оҳиста эмаклаб қувур ичига кирдим. Ҳолсиз ётган она мушукни ҳам, унинг болаларини ҳам уйга олиб кетдим. Бўлган воқеани онамга айтиб бердим, улар ҳам жуда ачиндилар. Шу-шу улар бизникида. Мушукнинг лат еган оёғини боғлаб, парваришлай бошладим. Болаларини эса сут билан боқдим. Ҳозирда улар анча катта бўлиб қолишган. Бир-бирлари билан олишиб, қувлашиб уйнашларини завқ билан томоша қиламан.

Шахлохон САТТОВА,
Наманган вилояти, Косонсой тумани.



— Яқинроқ кел, чўчима,
Ширин кулчам олақол.
Мени таниб, тан олиб,
Тезроқ катта бўлақол.

ТИЛАГИМ

- Жажжи синглим Малоҳат
- Аргимчоқда учарди.
- Қийқирарди шодликдан,
- Гўё кўкни қучарди.
- Ўртоқлари ёнида
- Ҳавас билан боқишар.
- Беғубор гўдакликнинг
- Нашъасини тоттишар.
- Учавергин сингилжон
- Юрагимдан чиқар сас.
- Ногоҳ учраб тўсиққа
- Йиқилиб тушмасанг бас.

ЖИЛҒАЧА КЎШИҒИ

- Мен жилғаман, шўх шилдираб
- Хув қоядан тушганман.
- Йулларимни тўсмоқ бўлган
- Ҳарсанглардан ошганман.
- Жилдирайман қўшиқ айтиб
- Олга қараб еламан.
- Ҳар томчимда бир чечакка
- Баҳор олиб келаман.
- Музлаб қолсам қаҳратон қиш
- Тухтабди деманг зинҳор.
- Дуруст боқинг, томиримда
- Баҳор тафти, ҳаёт бор.
- Ёмғирлардан баҳра олиб
- Кўклам чоғи тошаман.
- Тўлқинланиб шўх-шўх қуйлаб,

Далаларга шошаман.
Мен жилғаман, жилғаман.

Дадам келади ишдан,
Мен боқаман тирқишдан.
Ойим қовоғи солиқ,
Жанжал бўлиши аниқ.

Дадам қилиб табассум
Сўради: Қани Гулсум?
Саволидан лол қотдим,
Ўзим бағрига отдим.
Ойим жилмайди шу он
Кўнглим бўлди чароғон.

Гулсум АЛЛАНОВА,
Қашқадарё вилояти,
Косан тумани,
Гувалак қишлоғи.

ОЛМА ДАРАХТИГА

Муҳиддин Омон

Ёдимда, фарзандинг кўп эди санинг,
Бари — ширин эди, бари — суйганинг.
Дилбандларим менинг бўлсин деб дуркун,
Кўкламги офтобла оширдинг кўркин.


Уларга деганинг — бир ҳузур бўлди,
Сочларинг тўкилди, юз бужур бўлди.
Ёзда эркаладинг, камолин кутдинг,
Ҳосилим — болам деб, ўзни унутдинг.

Ниҳоят, куз келди, улар етилди,
Сен эса қартайдинг, қаддинг букилди...
Бироқ англамадим, қаҳратон чоғда?!
Не учун ёлғизсан заъфарон боғда?!

Айт нечун урёнсан, кўзда жолалар,
Бемехр чиқдимми тантиқ болалар?!

АСАЛАРИ

Ҳеч ким тушунмаган унинг ҳолини,
Ҳеч ким муродинг не, дея сўрмаган.
Тиконга тўш уриб йиққан болини
Шўрлик, ўзи бир бор ялаб кўрмаган.



= 80 =

Гузалик яратаман десанг, меҳнат қил дейишади. Меҳнат қилсак, ҳеч нарсага эришмаган тақдиримизда ҳам барибир меҳнатимиз туфайли обрў-эътибор топишимиз мумкин. Нодира ва Маҳзуна ойимлар айтолмай кетган сўзларни айтган асримиз шоираси Зулфия опамиз ўз меҳнатлари билан қаҳрамон бўлдилар. Давлат арбоби, жаҳонгашта шоира, заҳматкаш инсон сифатида халқ меҳрини қозондилар. Мени яхши яшади, дейдилар,— Яхши яшадим, аммо қаҳатчилигу қатагоннинг азобини бошқалардан қам тортганим йўқ, дейди Зулфия опа. Москвада ўқиб юрганамда акам қамоққа олиндилар. Кейин иккинчи акам. Уларнинг қаердалигини билмайман. Тошкентдаги ҳамма қамоқхоналарга овқат олиб борамиз, зора қабул қилинса-ю, акаларимдан бирортаси шу ердалиги билинса! Ниҳоят топдик, улар жуда зийраклик билан мени ва Ҳамид Олимжоннинг қаерда эканлигимизни сўраб хат чиқардилар. Лекин 3-4 кундан кейин отилиб кетдилар.

Беш ўғилдан кейин опам туғилганларида отам бизнинг уйга ҳам қиз бола келди, деб суюнган ва зиёфат қилиб берган эканлар. Опажоним ҳовли супурганларида биқинларини ушлаб йиғлаб қолганлари эсимда. Бу ҳолат бир неча маротаба такрорланди. Кўричак эканлигини энди сезиб турибман, аммо эътибор қилмагандик, никоҳ тўйлари кунни тобутга тушдилар. Никоҳ ўқитилган, аммо ҳали тўйи бўлишга улгурмаган поччам ҳам уйимиздан дод солиб чиққанлари ёдимда.

«Утган кунлар» фильмидаги Отабекни (Ўлмас Алихўжаевни) кўрсам поччам ёдимга тушаверадилар. Кўп ўтмай улар ҳам қатоннинг қурбони бўлдилар. Ёш бошимга шунча айрилиқ фавқуллоддаги жафолар жабрини етказдимиз? Лекин нима қилиш керак? Аламзадалик билан курашиб юришми? Нима ёзсак, нима десак яхшиликка йўганимиз, яхшиликка интилганимиз аниқ-ку. Гофур Гуломнинг таваллуд кунларида Абдулла Орипов ниҳоятда тўғри ва дилдаги гапларни айтгани ёдимда.

Ўз фикри ва катта юраги бор, Абдулланинг. Уч-тўрт йил аввал айтилган гап — халқнинг дилидаги гап эди. Беайб парвардигор дейишади. Кимнинг айби йўқ? Биз Ғ. Гуломни тириклик вақтида асрашимиз керак эди. Қайсидир маънода мен буни уддалай олганимдан мамнунман. У киши халқнинг отаси эди. Билими, куч-қувватини ўзбек боласини асрашга қаратган эди. Ўзбек номини мағрур кўтариб юрарди. Қайсидир анжуманда одатдагидек меҳмонларни уйда кутишга тайёргарлик кўрардим.

— Зулфия, келаси шанба сенинг кунинг. Кунгилга ёққан дугоналарингни айт, зиёфат бераман, — дедилар Гафур ака. — Мен довдираб қолдим. — Зиёфатни мен бераяпман-у, дедилар, яна. Мен ҳам сенинг меҳмонларингни бир кутиб кўрай. Бир гал бозор қилмай, пишириб-куйдирмай, дастурхон турида утиргин.

Кўлимга қоғоз-қалам тутқаздилар. «Хуш,

кимлар келади, меҳмонинг бўлиб?». Суюмани айтасан, Ҳалима, Мукаррама, Сора...» Шундай қилиб мен ҳам жонландим. Ўша кун иккига келадиган меҳмонлар учун мен соат 12 да бордим. Гафур Гуломнинг боққа ёзилган дастурхони дугоналаримнинг ташрифидан яна ҳам очилиб кетди. Менинг таклифимдан кейин қўлларига дутор олиб «Йул бўлсин» кўшигини айтиб бердилар. Эшикка йўналар эканлар, энди бемалол эркин утиринг-



Истеъдодим, қалбим сизларга

лар, бу боққа бегоналар тугул, эркак пашшани ҳам кўймайман, дедилар.


— Сизнинг замонангиз ўзига хос эди, Зулфия опа. Эркаклар ҳар жиҳатдан сизни кўллашган, шаънингизни сақлашган.

— Ҳа, мен ҳамиша эркаклар қуршовида юрдим, эркаклар эътиборида турдим, лекин ҳамиша Ҳамид Олимжоннинг кузлари таъқибда яшадим.

— Ҳамид Олимжон билан қандай танишганингиз ҳақида гапириб беринг?

— Пардоз кутиси кўтариб юриш урф бўлмаганди, ҳамиша чиройли дастурмолча олиб юрардим. Билмадим, қандай қилиб румолчам Ҳамид аканинг кўлига тушиб қоларкан-а?.. Ҳамид акамларнинг синглиси Раҳбаройнинг дугонаси румолчаларимни у кишида кўрганини айтиб, юрагимга гулгула солди. Кейинчалик Ҳамид Олимжоннинг меҳрли кузлари тоза қалбини таржима қилган бўлди. Бир-икки марта йиғилишлардан бирга қайтдик. Мен олдинроқда, у киши икки-уч қадам орқада. Буни дадам дарҳол сезибдилар. Онамга «қизингга айт, йигит киши билан бошлашиб юрмасин», дебдилар. Шу гап баҳона бўлди-ю, ўзимни у кишидан тортиб юрдим. Тақдир экан, кетма-кет келган совчилар, ота розилигини олишди, тўйимиз бўлди.

— Зулфия опа, сизнинг суратларингизни кўп кўрганман, ҳамиша чиройли тикилган, гузал тўғнагичлар қадалган кўйлақларда тушгансиз.



— Тўғнагичлар эмас, тўйнагич денг, қизим. Ўзи бисотимда кичкинагина тўғнагичим ва битта узгум бор. Бўйнимга нималарнидир осиб, қўша-қўша узуклар тақиб юришни ёқтирмайман. Тўғрисини айтай, сочимни ҳам қатиқда ювмасдим. Ҳамид Олимжон «яхши одатингиз бор экан, узун сирғалар тақиб, сочларидан қатиқ ҳиди анқиб юрадиган аёлларни ёмон кўраман», деб айтган эди. Кўйлақларни эса беармон кийдим, десам бўлади. Қаерга сафарга борсам, ўша ердан суриштириб чеварни топардим ва магазин айланиб урф бўлган матони олардим. Икки-уч куннинг нари-берисида тиктириб киярдим. Кийган либосларимда турли шаҳар ва қишлоқларнинг, узга юртларнинг тарихи бор.

Юринг, Ҳамид Олимжоннинг кузларини кўрсатаман,— дедилар Зулфия опа,— ҳазина топган боладай кузлари чарақлаб. Қатор китоблар терилган жавонда қизлари Хулкар опанинг, ўғиллари Омон акаю, ёшгина Зулфия ва Ҳамид Олимжоннинг сурати турарди. Ҳақиқатан ҳам Омону Хулкарларга бўлиб берилган бўлса-да, Ҳамид Олимжоннинг кузлари узгача ўтли ва нурли эди. Кузларни кўриб, дилларни ўқадиган шоира Зулфия опа билан хайрлашар эканман, устозлари ҳақида ҳам бирор гап айтишларини сўрадим.

— Ўқитувчилар муқаддас, устозлар даҳодек гап. Мен устозим деб тўрт марта саводсиз қилинган халқнинг фарзанди сифатида ўз онамни айтгим келади. Биз ҳарфларни ўзгартириб, китобларни ёқиб саводсиз бўлиб қолсак-да, онамиз Машрабни ёдлаб, қалбимизга гузаллик нурларини сепганларидан кўз юма олмайман. Урису, жугут миллатини ажратишни билмасдик. Евдокия деган муаллимман энди билсам, жугут экан. Ўйлаб қарасам, ҳамиша ҳар хил миллат вакиллари билан яшабмиз. Кўшнилари орасида ҳам, ишхонаю сафарларда ҳам ўзга миллат вакиллари билан осон тил топишардик. Устозим деб, онамни, Ҳамид Олимжонни биламан. Аммо шогирдлар ҳақида бир нарса дейлмайман. Шогирдлар устозларини ўзлари танлашсин...

«Шогирдлар ўзлари танлашсин, устозларини». Устозликнинг масъулиятини оширмайдими, бу сўзлар? Зулфия опа аллақачон нафосатга ошна юракларга устоз бўлиб сингиб кетганлар.

Йўқса,

**«Мен Ҳофиздай улашмайман юрт!
Истеъдодим, қалбим сизларга.
Яхши номим, бахт секинчим бут
Барчасини берай қизларга...»
деб ёзармидилар?**

Умида МУРОД қизи.



ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

**Бош
муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА**

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Раҳима ШОМАНСУРОВА,
Марат ШАФИЕВ,
Сайридин ХОЛОВ
(масъул котиб)

IBM компютерида теришти ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буортма — Г 0205
11.000 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга тошириш вақти 19.00
Тошириш вақти — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
• Манзил: 700083,
Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кучаси,
32-уй.
• Телефон:
• 33-44-25

